

**“ТАСДИКЛАНГАН”
«Urganch yog-moy» АЖ
акциядорларнинг умумий
йиғилиши томонидан
2016 йил 04 июнь**

**«Urganch yog-moy» АЖнинг
Кузатув кенгаши тўғрисидаги
Н И З О М**

Урганч – 2016 й.

Мундарижа

1. Умумий қоидалар	3
2. Кузатув кенгашининг ваколатлари	3
3. Кузатув кенгаши раисини сайлаш	5
4. Кузатув кенгаши мажлислари тартиби	6
5. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	7
6. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш миқдорини аниқлаш тартиби	8
7. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги	9
8. Яқунловчи қоидалар	9

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом «Urganch yog-moy» АЖ Кузатув кенгашини статуси ва ваколатлар доирасини аниқлайди, унинг сайланиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодекси ва жамият Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажарилишини таъминлайди, жамият фаолиятининг асосий йуналишларини стратегиясини ва ривожлантириш дастурларини белгилайди, жамият акциядорларини умумий йиғилиши, жамият Устави ва ушбу Низом билан берилган ваколатлари доирасида уз фаолиятини олиб боради.

1.4. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига иккита мустақил аъзо киритилиши мумкин.

1.5. Жамият кузатув кенгашининг 9-та аъзоси сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

1.6. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

1.7. Жамият коллегиал ижроия органининг аъзолари жамият кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

1.8. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

1.9. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан куйидаги талаблар қуйилади:

- номзод олий маълумотга эга бўлиши;
- «Корпоратив бошқарувчиси» малака аттестатига эга бўлиши;

Шунингдек ишлаб чиқариш ва иқтисодий, ҳуқуқшунослик соҳасида тажрибага эга бўлиши мақсадга мофиқ бўлади.

1.10. Ваколатларини муддатидан олдин тугатилиши:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига, Кузатув кенгаши аъзосининг аризасига ёки вафоти сабабли.

2. Кузатув кенгашининг ваколатлари

2.1 Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига куйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиритиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамият ижроия органини тайинлаш, (ижроия органи раҳбари-бош директордан ташқари), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- жамият номидан ижроия органи раҳбари-бош директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузиш;
- жамиятнинг ижроия органи фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамият фаолияти учун зарур булган бошқа жамғармаларни (фондларни) ташкил этиш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- ўз ваколатлари доирасида жамият номидан мол-мулкни сотиб олиш ва мол мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада жамият соф активлари баланс қийматининг 15 фоизидан 50 фоизгача ташкил этадиган битимлар ёки узаро боғлиқ бир канча битимлар) тузиш шу қийматга эга қарз ва кредитларни амалга ошириш, уларни амалга ошириш билан боғлиқ гаров масалаларини ҳал қилиш ёки жамият томонидан бирорта қарз, кредитлар ёки мажбуриятлар учун кафиллик тақдим этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, унга туланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- эмиссия рисоласи ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- жамият облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;
- Кузатув кенгаши қошида тегишли масалалар буйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил қилиш.
- ушбу устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамият кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

3. Кузатув кенгаши раисини сайлаш.

3.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади (қайта сайланади).

3.2. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

3.3.Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

4. Кузатув кенгаши мажлислари тартиби.

4.1. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки кўйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- тафтиш комиссиясининг;
- Жамият Ижроия органи раҳбарининг;
- ички аудит хизмати бошлиғининг;
- қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

4.2.Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг сонидан етмиш беш фоизини ташкил қилади.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

4.3.Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Техник воситалар ва керакли асбоб-ускуналар мавжуд бўлган тақдирда, кузатув кенгашининг мажлислари видео-конференц-алоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

4.4.Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

4.5.Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

4.6.Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

4.7.Кўйидаги масалалар буйича қарорлар:

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларини,
- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни тузиш,

- корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш,
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

4.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

4.9. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

4.10. Жамият кузатув кенгаши қарорлари билан жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари жамиятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

4.11. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этиш, кенгашда куриб чиқиш учун масалалар киритиш, мажлисда куриб чиқилаётган масалалар буйича сўзга чиқиш ва қарорлар қабул қилинишида овоз бериш;
- жамиятнинг жорий ишлаб чиқариш, молиявий ва тижорат фаолиятининг ахволи ва ривожлантириш режалари тугрисида тулик ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажариши муносабати билан унга тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни олиш.

5.2. Кузатув кенгаши аъзолари уртасида функционал вазифаларни конкрет ҳар бир аъзога тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

5.3. Агар кузатув кенгаши аъзоларидан бири акциядорлик жамияти томонидан тузилаётган битимдан манфаатдор бўлса, узининг манфаатдорлиги тугрисида қарор қабул қилинишидан олдин хабардор қилиши шарт ва ушбу масаланинг муҳокамасида ва овоз беришда иштирок этмайди. Бунда битим тугрисида қарор кузатув кенгаши аъзоларининг қупчилик овози билан қабул қилинади. Тузилаётган битимдан кузатув кенгаши аъзоларининг қупчилик қисми

манфаатдор булган такдирда, ушбу масалани куриб чикиш акциядорларнинг умумий йигилишига берилади.

кузатув кенгаши аъзоси узига тоъбе (афилланган) шахс билан биргаликда жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилган такдирда, агар курсатилган шахслар уларнинг турмуш уртоклари, ота-оналари, фарзандлари, ака-сингиллари, хамда уларнинг барча афилланган шахслари:

- бундай битимнинг томони булганида, ёки унда вакил ёки воситачи сифатида иштирок этганида;

- битим тузаётган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида катнашаётган юридик шахснинг йигирма ва ундан ортиқ акция (улуши) эгаси булганида;

- битим тузаётган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида катнашаётган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозим эгаллаганида.

5.4. Кузатув кенгаши аъзолари кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилинишида таъсир курсатганликлари учун бевосита ёки билвосита рағбатлантириш олишлари мумкин эмас.

5.5. Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамиятининг имкониятларидан (мулкӣй ёки номулкӣй ҳуқуқларидан, ҳужалик фаолиятидаги имкониятларидан, акциядорлик жамиятининг фаолияти тугрисидаги маълумотлари ва режаларидан) шахсий бойлик орттириш йулида фойдалана олмайдилар.

5.6. Кузатув кенгаши аъзолари узларининг лавозим мажбуриятларини виждонан, хамда акциядорлик жамиятининг манфаатлари йулида яхшироқ деб ҳисоблаган йусинда бажаришлари лозим.

6. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш миқдорини аниқлаш тартиби.

6.1. Жамиятнинг молиявий фаолият якунлари ва корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари қараб, Кузатув кенгаши аъзоларига рағбатлантириш ҳақи тўланади.

6.2. Жамият ҳар йил бир маротаба молиявий фаолият якунлари ва корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ташкиллаштиради.

6.3. Мустақил баҳолаш натижалари кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ҳақини белгилаш учун асос бўлади.

6.4. Мустақил баҳоловчининг ҳулосасига кўра, жамият кузатув кенгашининг фаолияти қониқарсиз, паст, қониқарли ёки юқори деб топилши мумкин.

6.5. Рағбатлантириш ҳақи миқдори (ҳар бир аъзога 1 календарь оyi учун ҳисобида) қуйидаги тартибда белгиланади:

- қониқарсиз деб топилган бўлса – рағбатлантириш ҳақи тўланмайди;

- паст деб топилган бўлса – рағбатлантириш ҳақи энг кам ойлик маошининг 5 баравари миқдорида тўланади;

- қониқарли деб топилган бўлса - рағбатлантириш ҳақи энг кам ойлик маошининг 7 баравари миқдорида тўланади;

- юқори деб топилган бўлса - рағбатлантириш ҳақи энг кам ойлик маошининг 10 баравари миқдорида тўланади;

Кузатув кенгаши раисига тўланадиган рағбатлантириш хаки юқорида кўрсатилган тартибда ҳисобланган сумманинг кўпи билан 1,2 баравари миқдорида устама қўшиш йўли билан ҳисобланади.

6.6. Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ транспорт, овқат ва меҳмонхонада яшаш ҳаражатлари жамият томонидан қопланади.

6.7. Рағбатлантириш маблағларини ҳисоблашда, бухгалтерия қонунчилик билан белгиланган тартибда солиқларни тўғри ушлаб қолинишини таъминлайди.

6.8. Ўз вақтида олинмаган рағбатлантириш ва компенсациялар белгиланган тартибда жамиятда сақланади.

6.9. Рағбатлантириш ва компенсацияларни тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар жамиятнинг давр ҳаражатларига олиб борилади ва бухгалтерия томонидан тегишли проводкалар амалга оширилади.

6.10. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар қуйидаги ҳолларда тўланмайди:

- кузатув кенгаши таркибидаги фаолият тўхтатилган кундан эътиборан;

- кузатув кенгаши аъзоси ўз вазифаларини бажармаганлиги учун (умумий йиғилиш қарорига асосан)

6.11. Рағбатлантириш ва компенсациялардан ташқари, корпоратив бошқарув тизими ва молиявий яқунлар бўйича натижалар қониқарли деб баҳоланган тақдирда, кузатув кенгаши аъзоларига мазкур Низом билан белгиланган тартибда, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг бизнес-режасида кўрсатилган соф фойданинг ортиқча қисмидан қўшимча рағбатлантириш тўланиши мумкин.

7. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.

7.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари узининг функционал вазифаларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун қонун ҳужжатларига, Уставга ҳамда ушбу Низомга мувофиқ жамият олдида жавобгардирлар.

Бунда жамиятга зарар келтирадиган қарор қабул қилинишида иштирок қилмаган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар.

Агарда, Низомнинг ушбу банди қоидаларига асосан бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жавобгарлиги солидар бўлади.

7.2. Жамият ёки бир фойздан кам бўлмаган миқдордаги жойлаштирилган, оддий акцияга эга бўлган акциядор, жамият Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан етказилган зарарни қоплаши тугрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. Яқунловчи қоидалар

8.1. Мазкур Низом ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

8.2. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган барча масалалар, амалдаги қонунчилик, жамият Устави ва бошқа ички ҳужжатлар билан тартибга солинади.

8.3. Мазкур Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши муносабати билан жамиятнинг “Рағбатлантириш тўғрисидаги” Низомининг 1-чи ва 2-чи қисмлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.